

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



Ўзбекистон Овози

№21

2024-йил
22-май, chorshanba

1918-йил
21-iyundan chiqq boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ЭРОН ХАЛҚИГА ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни Эрон Ислоҳ Республикасининг элчихонасига ташриф буюриб, мамлакат шимолида вертолёт қулаши оқибатида Президент Иброҳим Раисий ва унга ҳамроҳлик қилган шахслар фожиаи ҳалок бўлгани муносабати билан дўст Эрон халқига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхонада очилган Ҳамдардлик китобига самимий таъзия ва таскин сўзларини ёзиб қолдирди. Ўзбекистон етакчиси элчи Муҳаммадали Искандарий билан қисқа суҳбатда Президент Иброҳим Раисий етук давлат арбоби ва сиёсатчи бўлгани, Эроннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳамда мамлакатнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашга, шунингдек, давлатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади. Қуни кеча Ўзбекистон Президенти Эроннинг Олий диний раҳбари оятulloҳ Али Хоманейига ҳамдардлик мактуби йўллаган эди.

president.uz



ИБРОҲИМ РАИСИЙНИНГ ДАФН МАРОСИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТАДИ

22 май куни Эрон пойтахти Теҳрон шаҳрида бўлиб ўтадиган марҳум Президент Иброҳим Раисий билан видолашув маросимида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти матбуот қотиби хабар берди. Қайд қилинишича, делегацияга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери Нурдинжон Исмоилов бошчилик қилади.

✓ Сиёсий пульс



ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТОБОРА ЖАДАЛЛАШИБ БОРМОҚДА. БУНДАЙ СУРЪАТ ИЖТимоий-СИЁСІЙ, СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР, СПОРТ, ҚЎЙИНГИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА ЖАБҲАСИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАЙТИ.

2

✓ Фракция ташаббуси

БАНДЛИК: ВАЗИРГА ЖИДДИЙ

САВОЛЛАР БОР

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛАГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЎЗ-ЎЗИДАН МАЪЛУМКИ, ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛАДИГАН МАСКАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲИСОБЛАНАДИ. ПАЛАТА ФАОЛИАТИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШГАН ҲАР КИМ У ЕРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ НЕЧОГЛИК УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ВА КАТТА МЕҲНАТ ТАЛАБ ҚИЛИНИШИГА АМИН БЎЛАДИ. ЖУМЛАДАН, КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ КУН ТАРТИБИДАН ЎРИН ОЛГАН МАСАЛАЛАР АҲАМИЯТИ ҲАМ БУНИ ЯҚҚОЛ КЎРСАТИБ ТУРИБДИ.

3

ЭНДИ ҚОЗОҒИСТОН БИЛАН ИТТИФОҚЧИМИЗ

21 май куни Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон билан иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонунни имзолади, дейилади Акорда хабарида. Мазкур битим икки давлат раҳбарлари томонидан 2022 йил 22 декабрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган. 2023 йил 30 ноябрда Президент шартномани ратификация қилганди. Ҳужжат сиёсий, савдо-иқтисодий, транзит-

транспорт, маданий-гуманитар соҳаларда, фуқаро муносабати ва энергетика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бўлиб, халқаро майдонда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни назарда тутди. Шартнома шартларига мувофиқ, томонлар икки давлат парламентлари, сиёсий партиялари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

✓ Электорат манфаати

КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАР КАМАЙДИ(МИ)?

БМТ маълумотларига кўра, 2022 йилда дунёда 1,2 миллиард одам камбағалликда ҳаёт кечирган. Ўзбекистонда-чи? Очиги, 2020 йилгача бу ҳақида ошқора сўз юритилмади, муҳокама қилинмади. Аслида камбағаллар йўқ эдимиз? Бор эди, албатта. Аммо ҳеч ким Ўзбекистондаги камбағаллар сони ҳақида аниқ билмасди. Чунки йиллар давомида бу атама ҳам, мамлакатда камбағал қатлам борлиги ҳам тан олинмаган.

7

✓ Ижтимоий ҳимоя

Кўпинча бир гапни эшитиб қоламиз. Нимага хорижий давлатлар фуқаролари пенсияга чиққач бошқа давлатларни айланиб, саёҳат қилиб юради? Чунки уларнинг қўлида қафолатланган маблағ бор, уни олиб бемалол қарилик гаштини суради, саёҳат қилади.

ФОИЗ ТЎЛНАДИ(МИ)?

6

БИРДАМЛИККА УНДАЙДИГАН БАЙРАМ

Наманган азалдан гуллар шаҳри сифатида танилган. Ярим асрдан зиёд вақт мобайнида "Гул байрами" номи билан ўтказиб келинган ўзига хос маънавий-маърифий тадбирнинг Халқаро гуллар фестивали мақомини олганига кўп бўлгани йўқ. Президентимизнинг вилоят аҳли билан 2017 йилги сайловолди учрашувларидаги тавсияларига мувофиқ вилоятда гулчилик ҳаракатлари янги гача тус олди.



8

Иқтисодийёт драйвери

Тараққийётнинг ҳозирги босқичида мамлакатлар ўртасидаги интеграция жараёнлари тобора жадаллашиб бормоқда. Бундай суръат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар, спорт, кўйингки, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида ўз ифодасини топяпти. Жадал ўсиш динамикаси, тенденциялар, албатта, молия бозорлари, тижорат банклари, умуман олганда, барча молиявий механизмлар, хусусан, инвестициялар оқими қиёфасини ҳам мутлақо ўзгартириб юборди.

Ҳеч кузатганмисиз, бугун қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритаётган бўлса, ўз иқтисодийётнинг барқарор ўсишига эришяпти. Президентимиз таъкидлаганидек, инвестиция – бу иқтисодийёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодийётнинг юраги, десак муболаға бўлмайди.

Шунинг учун Ўзбекистонда тижорат банкларининг ҳам инвестицион сиёсат билан боғлиқ фаолиятини кучайтириш, уларни замон талабларига мослаштириш долзарб вазифага айланмоқда.

Куни кеча Президентимиз хорижий инвестицияларни жалб қилишда банкларнинг иштирокига оид тақдимот билан танишди. Унда банкларнинг инвестициявий фаолияти ва аҳоли бандлигидаги иштироки кўриб чиқилди.



Миллий банк томонидан 6 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилади

Мамлакатимиздаги қулай инвестиция муҳити натижасида банкларнинг молиявий барқарорлиги ва фаолиги ошиб бормоқда. Хусусан, соҳадаги ислохотлар туфайли сўнгги 5 йилда банкларнинг капитали 2, кредит портфели 2,3 ҳамда йиллик кредит ажратиш ҳажми 1,8 баробарга кўпайди.

Тўртта банк илк бор евробонд чиқариб, четдан 1 миллиард 300 миллион доллар ресурс жалб этди. Ўтган йили банклар 3,8 миллиард долларлик, шунингдек, уларнинг мижозлари ҳукумат кафолатисиз 6 миллиард долларлик хорижий кредитларни тўғридан-тўғри олиб келган.

Бу ишларни янада кенгайтириш ва лойиҳаларни сифатли амалга ошириш бугун замон талабидир.

Тақдимотда Миллий банк ҳамда Ўзсаноатқурилишбанкнинг шу борадаги фаолияти ҳақида ахборот берилди.

Жорий йилда Миллий банк томонидан 6 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунингдек, заргарлик тармоғида 2,1 триллион сўмлик 526 та, хизматлар соҳасида 41,8 триллион сўмлик кредитлар ҳисобидан 40 мингдан ортиқ лойиҳаларни рўёбга чиқариш ва 2,5 миллион нафар аҳоли бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Ўзсаноатқурилишбанк бу йил халқаро молия бозорларидан 3 миллиард 100 миллион долларлик маблағ жалб этишни мақсад қилган. Банк мижозлари билан умумий қиймати 4 миллиард 800 миллион долларлик инвестиция лойиҳаларига киришилган.

Мазкур банк томонидан қурилиш материаллари соҳасида 2024-2025 йилларда 529 та лойиҳа доирасида 2 миллиард 800 миллион долларлик хорижий инвестициялар киритилади ва шу орқали 25 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Кўплаб бизнес тузилмалар "соя"дан чиқяпти...

Тақдимотда Миллий банк 967 та, Саноатқурилишбанк 727 та маҳаллада ишсиз аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиши алоҳида таъкидланди. Яна бир муҳим жиҳати, банклар қуйи бўйинга тушиб ишлаётгани учун кўплаб бизнес тузилмалар "соя"дан чиқмоқда.

Тақдимотда мижозларнинг инвестиция лойиҳаларини тизимли мониторинг қилиб, муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиб бориш зарурлиги айтиб ўтилди. Тадбиркорларга туман даражасидан республика миқёсига ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг молиявий билимларини ошириш ва инновациялар билан таништириш муҳимлиги таъкидланди.

Албатта, ҳар қандай ислохот, аввало, халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилиши даркор. Давлат раҳбари қайд этганидек, одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтириш зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди.

Албатта, ҳар қандай ислохот, аввало, халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилиши даркор. Давлат раҳбари қайд этганидек, одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтириш зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди.

Ҳар қандай соҳадаги ислохотларнинг ҳақиқий натижаси қоғозлардаги маълумотлардан кўра, одамларнинг кундалик ҳаётида, юз-кўзида аниқроқ кўринади. Соғлиқни сақлаш йўналишидаги янгиланиш ва ўзгаришлар шундай ислохотлардан, десак муболаға бўлмайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, тиббиёт тизимида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, соҳадаги ўзгаришлар халқимиз томонидан эътироф этилиб, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу эса юртимизда инсон қадрини, унинг ҳаёти, соғлиғига катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Кеча давлатимиз раҳбари Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар ва янги тақдирлар тақдироти билан танишди.

Тақдимотда ушбу йўналишлар атрофида таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда ҳаёт сифатига бевосита дахлдор бу соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Сўнгги 7 йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар ҳажми 5,9 триллион сўмдан 33,5 триллион сўмга, яъни 6 баробар оширилди. Шифохоналар замонавий жиҳозланиб, янгилари барпо этилмоқда. Тиббиётни халққа яқинлашти-

риш мақсадида жойларда скрининг текширувлари ўтказилмоқда.

Таҳлилларга кўра, соҳада аҳоли муурожаатларининг 30 фоизигина бирламчи бўйинда ҳал бўляпти. Айрим касалликлар бўйича даволаш услублари эскирган. Ҳамшираларнинг иш доираси кенг эмас.

Бугунги кунда гипертония, юрак ишемика ва сурункали ўпка хасталиклари, бронхиал астма, қандли диабет, гепатит каби энг кўп учрайдиган 7 та касаллик гуруҳи бўйича даволаш стандартлари халқаро талаблар асосида янгиланди. Йил якунига яна 300 та клиник протоколлар қайта кўриб чиқилади. Беморларга одатий текширувларни белгилаш, дорисиз даволаш каби вазифалар шифокордан ҳамширага ўтказилади. Поликлиникаларда беморлар ҳаракати тартибга солиниб, шифокорларга навбат кутиш вақти камайирилади.

Маълумки, уч йил аввал тажриба тариқасида Сирдарё вилоятида тиббий суғурта механизмлари йўлга қўйилган эди. Бу соҳадаги кўплаб камчиликларни кўрсатиб берди.

Шифокорларнинг кўп вақти ҳисобот тўлдиришга кетаяпти...

Тиббиёт муассасалари етарлича рақамлаштирилмагани сабабли суғурта тизими тўлиқ ишлмаяпти. Шифокорларнинг кўп вақти ҳисобот тўлдиришга кетаяпти.

Шу боис Тошкент шаҳрида соҳани рақамлаштириш бўйича намунавий тизим яратиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун барча муассасалар янги компьютер ва техника воситалари билан жиҳозланади.

Йил якунига "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" тизимлари ишга туширилади.

Шунга асосланиб, 2024 йилда пойтахтимизда давлат тиббий суғурта механизмлари жорий этилади. Эътиборлиси, бу аҳоли томонидан тўланаётган умумий солиқлар ҳисобидан бўлади ва одамлардан қўшимча бадаллар ундирилмайди.

Тез тиббий ёрдам тизими таҳлил қилинар экан, асосий муаммо муурожаатларни касалликнинг оғирлигига қараб сараламаслик билан боғлиқ экани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис тез ёрдам "колл-марказ"ларида беморларга шифокор маслаҳати ҳам йўлга қўйилиши белгиланди. Бу йил Тошкент шаҳрида, келаси йили бошқа ҳудудларда парамедик ва педиатрик бригадалар ташкил қилиниши айтилди. Тизим ходимлари тиббий маслаҳат шифокори, қақурувни саралаш оператори, фельдшер-парамедик йўналишида қайта тайёрланади.

Тақдимотда дориларга ҳақиқий эҳтиёжни шакллантириш, уларни харид қилиш ва жойларга ўз вақтида етказиб бериш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тўғридан-тўғри шартнома асосида сотиб олинмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини ҳамда харид жараёнини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг ёйиш орқали касалликларнинг олдини олиш, одамларда ўз саломатлигига масъулият ҳиссини кучайтириш ҳамisha муҳимлигини таъкидлади.



Ўзбекистон – манфаатли ҳамкорлик ташаббускори

17 май куни «Кўксарой» қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди.

Учрашув аввалида Малайзия ҳукумати раҳбари Президентимизга Малайзия Подшоҳи Султон Иброҳимнинг самимий саломини ва энг эзгу тилақларини етказиб, делегациясига кўрсатилмаётган илиқ ва самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик билдирди.

Музокараларда Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги 16 йилда илк бор ўтказилаётган ушбу олий даражадаги ташриф икки томонлама муносабатлар тарихида янги давр очаётганини таъкидлади.

Малайзия нафақат Жануби-Шарқий Осиё минтақасида, балки жаҳон миқёсида катта салоҳиятга эга бўлган, жадал ўсиб бораётган давлатдир. Мамлакатингиз билан алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш асосий мақсадимиз ҳисобланади, - деди Ўзбекистон Президенти.

Сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш, гуманитар ва таълим дастурларини амалга ошириш, туризм ва маданий алмашинувни фойдалаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида амалий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бинобарин, ўтган йил якуни бўйича икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми икки баравардан зиёдга ўсди, қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда, Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасидаги авиарейслар кўпаймоқда.

Ташриф доирасидаги Ўзбекистон-Малайзия бизнес форуми инвестициявий шерикликни кенгайтиришга, инновациялар, sanoat, ашилл энергетика, нефть-кимё, электр техникаси ва электроника, фармацевтика ва бошқа соҳаларда етакчи компаниялар кооперациясига хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Ушбу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз Ўзбекистон-Малайзия sanoat зонасини ташкил этишга тайёр экани таъкидланди. Қишлоқ хўжалигида, жумладан, сувни тежаш технологияларини жорий этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, "Ҳалол" стандартлари бўйича сертификатлаштириш масалалари бўйича ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди. Ахборот технологиялари, камбағалликни қисқартириш ва транспорт боғлиқлигини кенгайтириш соҳасидаги шериклик масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонга малайзиялик сайёҳларнинг оқими тез суръатларда ўсиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Зиёрат туризми бўйича қўшма дастурларни амалга ошириш, "Умра плюс" лойиҳасини илгари суриш ҳамда ёшларимиз ўртасида мулоқотни мустаҳкамлаш чора-тадбирларига ҳам аҳамият берилди. Етакчилар Марказий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари ҳамда Афғонистон масаласи юзасидан фикр алмашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва Қўшилмаслик ҳаракати доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

"Марказий Осиё + АСЕАН" форматда ташқи ишлар вазирлари мулоқотини тузиш тақлифини кўриб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Ишончли, очик ва дўстона муҳитда ўтган музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Малайзия Бош вазири Кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзоладилар.

* * *

Ўзбекистон-Малайзия саммити якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Анвар Иброҳим Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт кўчати эқдилар. Бу халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб бораётгани, икки мамлакат етакчиларининг Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қатъий интилишининг рамзи бўлди.

Расмий манбалар асосида
Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.



Бандлик:

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТЧИЛИК АСОСЛАРИНИ МУСТАҲҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛАГАН КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЎЗ-ЎЗИДАН МАЪЛУМКИ, ХУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА ТАМАЛ ТОШИ ҚўЙИЛАДИГАН МАСКАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲИСОБЛАНАДИ. ПАЛАТА ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШГАН ҲАР КИМ У ЕРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ НЕЧОҒЛИК УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ВА КАТТА МЕҲНАТ ТАЛАБ ҚИЛИНИШИГА АМИН БўЛАДИ. ЖУМЛАДАН, КЕЧА БўЛИБ ЎТГАН НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ КУН ТАРТИБИДАН ЎРИН ОЛГАН МАСАЛАЛАР АҲАМИЯТИ ҲАМ БУНИ ЯҚҚОЛ КўРСАТИБ ТУРИБДИ.

Шу кунги йиғилишда биринчи бўлиб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага бериш ва улардан самарали фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилмоқда.

Эслатиб ўтиш лозимки, лойиҳа шу йилнинг 27 февраль кунги бўлиб ўтган палата мажлисида иккинчи ўқишда кўриб чиқилиб, қонун лойиҳасидаги айрим моддаларга тахририй тузатиш киритиш, лойиҳани янада такомиллаштириш ва маромига етказиш учун масъул кўмитага қайтарилганди.

Шу вақт давомида масъул кўмита депутатлар томонидан берилган таклиф ва эътирозлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ҳамда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунга қиритилаётган нормаларни вилоятларга чиққан ҳолда, фермер хўжаликлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилган.

Қонун лойиҳаси билан Ер кодекси ҳамда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидоги каналлар, сўғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонлари ўн йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Яна лойиҳа билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига пиллачилик ва тўтчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари, агросаноат кластерларига ва бошқа юридик шахсларга майдони ўн гектаргача бўлган ер участкалари ажратилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳамда пиллачилик ва тўтчиликни янада ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалиги махсулотини етиштириш имкониятларини кенгайтириш, ер участкалари ва сув ресурсларидан фойдаланишда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланиб, бир овоздан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ИЖАРАЧИ ИЖАРАГА БЕРАДИ

Мажлисида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ер кодекси ва яна 6 та қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.

Хусусан, Ер кодексининг ер участкаси ижараси тўғрисидаги 24-моддасига ўзгартириш киритилиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага бериш белгиланмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарачиларига ижарага берилган ер участкалари бўйича ўз ҳуқуқи ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга, яъни қайта ижарага беришга рухсат этиш назарда тутилмоқда.

Яъни, мазкур ер участкасидан фойдаланаётган ижарачи энди бошқа шахсга ижара ҳуқуқини сотиши мумкин бўлади. Амалдаги қонунчиликка кўра, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ердан фойдаланаётган ижарачи қандайдир сабаб билан, масалан, соғлигидаги муаммо туфайли ердан фойдаланиш имкони бўлмай қолса, бундай ҳолатда ер ҳокимият балансига қайтарилар эди.

Агар мазкур лойиҳа кучга кирса, ижарачи ўзи фойдаланаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ернинг ижара ҳуқуқини бошқа шахсга сотиши мумкин бўлади.

Бу ўз-ўзидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерга бўлган муносабатнинг ўзгаришига, яъни, манфаатдорлик ҳиссининг ошишига олиб келади.

ВАЗИРГА ЖИДДИЙ САВОЛЛАР БОР

Лойиҳада ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредит олиш учун гаровга қўйилган ва кредит мажбурияти бажарилмаган тақдирда, кредиторлар томонидан мазкур ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқини ердан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тартиби белгиланмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга беришда турли баҳсли мезонларга таянган очик электрон танлов ўрнига шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган электрон онлайн-аукцион савдолари жорий этилади.

Шу билан бирга, ер участкалари ижарачиларига ижарага олинган ерларга нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ердан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда бошқа шахсга ўтказишга рухсат бериш орқали қишлоқ хўжалиги ерларини бозор активига айлантириш имкони берилди.

Муҳокамаларда сўз олган депутатлар қонун лойиҳасининг ҳаётий эканлигини таъкидлашди. Лойиҳа биринчи ўқишда қабул қилинди ва иккинчи ўқишда уни янада мукамил ва атрофлича пишиштиришга келишиб олинди.

АГЕНТЛИК ДИРЕКТОРИ ЭШИТУВГА ЧАҚИРИЛДИ

Қуйи палата кун тартибидан Ёшлар ишлари агентлиги директори А. Саъдуллаевнинг "Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга, шунингдек, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала ҳам ўрин олган эди.

Қайд этиб ўтиш лозимки, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Шунингдек, янги тахрирдаги Конституциямизда ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида моддалар билан муҳраб қўйилди.

Қолаверса, "Ўзбекистон - 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида ёшлар муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш бўйича кўплаб вазифалар белгиланган.

Шулардан келиб чиқиб халқ вакиллари ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Ёшлар ишлари агентлиги директорининг ахборотини эшитиш бўйича қарор қабул қилишди.

ВАЗИРГА ЖИДДИЙ САВОЛЛАР БОР

Мажлис якунида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирига "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш ҳамда меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Кейинги етти йилда меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш ҳамда мигрантларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг 3 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 та Фармони ва қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарори қабул қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида видеоселектор йиғилишлари ўтказилиб, уларда мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор мақсадлар ва вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши аҳоли бандлигини таъминлаш, қўшимча иш ўринла-

рини яратиш, меҳнат бозорига янги йўналишларни очиш, ташқи меҳнат миграциясини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан меҳнат миграцияси соҳасини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганиб борилмоқда.

Ўрганишларда маълум бўлишича, хорижда ишлаш истагида бўлган, лекин касбий малакага эга бўлмаган ёки чет тилини билмайдиган фуқаролар республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган мономарказлар ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш марказларига ўқишга жалб қилиниб, иш берувчининг талабига мос равишда мақсадли тайёрланмоқда. Натижанда, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан 2023 йилда 38,4 минг фуқаро хорижда ишлаш учун юборилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2024 йил биринчи чорагининг ўзида 20,9 минг нафарни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар соҳада амалга оширилаётган ишлар билан бирга ўз ечимини кутаётган қатор масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, кўплаб янги хорижий иш берувчилар ва рекрутинг агентликлари билан келишувларга эришилганига қарамай, меҳнат миграцияси йўналишларини диверсификация қилиш борасидаги ишларни ташкил этишда етарлича самарадорлик сезилмаётгани келтирилган.

2024 йилнинг январь-апрель ойларида меҳнат миграциясидан қайтган 115 минг фуқарони ишга жойлаштириш, уларни ижтимоий ҳаётдан қўллаб-қувватлаш борасида масъул ташкилотлар томонидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Аммо шу кунга қадар мазкур масалада аниқ режа ёки мақсадли кўрсаткичлар белгилаб олинмаган.

Шунингдек, хорижда ишлаш истагида бўлган, лекин касбий малакага эга бўлмаган ёки чет тилини билмайдиган фуқароларни касбга тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш борасидаги ишларни ташкил этишда ҳам айрим камчиликлар мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан:

1. Меҳнат миграцияси йўналишларини диверсификация қилиш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

2. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш ва мақсадли сарфланишини таъминлаш борасида қандай чоралар кўрилмоқда?

3. Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, шу жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Қаби масалалар юзасидан ёзма равишда асосланган тушунтиришлар берилиши парламент сўровида назарда тутилган.

Фракциямизнинг ушбу ташаббуси Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз электорати манфаатларини биринчи ўринга қўйишдан далолат бермоқда. Аслида ҳар қандай мамлакатнинг юксак тараққиёт йўлидан бориши, ундаги одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиши биринчи навбатда кам даромадли аҳоли қатламнинг даромадлари ошиши билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ҳам мазкур парламент сўровининг аҳамияти юқори.

Бу галги йиғилиш ҳам бошқалари қаби турли масалаларни қамраб олган, муҳокама ва таклифларга бой бўлди. Одатда қонунлар биринчи ўқишда концептуал маъқулланиб, иккинчи ўқишда муҳокамаларга бой бўлади. Баъзи қонунлар эса биринчи ўқишнинг ўзидаёқ кейинги муҳокамаларда ортиқча саволларга ўрин қолдирмаслиги сезилиб туради. Хуллас, йиғилиш якунида қайсидир масъулга сўров юборилган бўлса, яна қимнадир эшитувга чақиришга қарор қилишди. Шу тариқа Қонунчилик палатасининг яна бир ўзгача йиғилиши бўлиб ўтди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлади.



Жавобгарлик адолат тамойили асосида белгиланади

18 МАЙ КУНИ БўЛИБ ЎТГАН СЕНАТНИНГ ЭЛЛИК ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 2271-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ Тўғрисида» ГИ ҚОНУН МАЪҚУЛЛАНДИ.

Қонун билан Солиқ кодексига фискал ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун қўлланиладиган молиявий санкциялар қайта кўриб чиқилиши назарда тутилди. Жумладан, фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузиш, шунингдек, товарларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировка тартиб-қоидаларига оид ҳуқуқбузарликлар биринчи марта содир этилганда жарима миқдори охириги ҳисобот чорага олинган соф тушумнинг икки фоизини ташкил этади.

Мазкур ҳуқуқбузарлик молиявий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, жарима

миқдори йигирма фоизни ташкил этиши белгиланмоқда.

Аввал тадбиркорлар ушбу қонун-бузилиш ҳолати учун охириги ҳисобот чорага эга бўлган соф тушумни жарима шаклида тўлашга мажбур бўлаётган эди. Эндиликда фискал тартиб-қоидаларга оид ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган молиявий жарима миқдори қарийб 98 фоизга қисқартирилмоқда.

Таъкидланишича, қонуннинг амалиётга киритилиши солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни адолат тамойили асосида белгилаш, тадбиркорлик субъектларининг ортиқча харажатларини қайтаришга, ишбилармонлар қатлами манфаатига хизмат қилади.

Маълумот учун. 2022-2023 йилларда амалдаги Солиқ кодексининг 2271-моддасига асосан ҳуқуқбузарлик содир этган 1519 та тадбиркорларга нисбатан 735 млрд сўм молиявий жарималар қўлланилган.



Акбар САНДИЕВ,
ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши мафкура ва тарғибот масалалари бўйича раис ўринбосари:

Бугун юртимизда ижтимоий адолат тамойили асосида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар негизда ҳам мана шу эзгу мақсад мужассам. Ислохотларнинг амалда ўз исботини топиши эса олис манзилларнинг обод бўлишига, одамларимизда бугунги кундан розилик ҳисси ортишига замин яратди. Бу йўлдаги давлат ва маҳаллий дастурларнинг, инвестицион лойиҳаларнинг ижросида маҳаллий Кенгашлар муҳим ўрин тутди. Бинобарин, маҳаллий Кенгашлар катта куч ва салоҳиятга эга. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз ҳудудларида қандай дастурлар амалиётга киритилаётгани ва бундаги ютуғу камчиликларни, одамларни қийнаётган масалаларни бошқалардан яхшироқ билишади. Улар назорат тадбирлари, аҳоли билан учрашувлар ва фуқаролар мурожаатлари

Фаоллик ва ташаббускорлик - ҳаётий зарурат

— Инсоннинг бахтни ҳис қилиб яшаши учун кўп нарса керакми? Йўқ аслида. Ҳар бир одам ўзи ва оиласининг тинч-хотиржам, фаровон ҳаёт кечиршини истади, холос. Бу эса ён-атрофида муносиб шарт-шароит бўлиши кераклигини англатади. Яъники, таълим олиши, ишлаши ва бошқа қонуний ҳуқуқларидан фойдаланиши учун давр талабига мос имкониятлар, етарли инфратузилма мавжуд бўлмоғи лозим. Хоҳ у шаҳар бўлсин, хоҳ қишлоқ.

билан ишлаш жараёнида маҳалладан тортиб, шаҳар-туман, вилоят даражасигача бўлган муаммоларни ҳал этишда халқчил таклиф-ташаббусларни илгари сурдиладар.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ҳамда туман-шаҳар Кенгашлари, партия гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари ва партия фаоллари электротат олдидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда фаолиятларини мазмунан бойитишга, самарадорликни оширишга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Инкор этмаймиз, жойларда аҳоли билан мулоқотларда сайловчилар ўзлари ишонч билдирган вакил ишидан мамнун бўлган ҳолатларга ҳам ва, аксинча, баъзи депутатларнинг тегишли маҳаллага бирор марта келмагани ёки мурожаатларга жавоб бермаганидан норозилик кайфиятларига ҳам дуч келамиз. Яъни, бугун барча ҳудудларда маҳаллий Кенгашлар фаолиятдан ҳамма бирдек қониқиб туймоқда, дея олмаймиз. Аччиқ, аммо очик ҳақиқат бу. Шу боис сайланган депутатларимиз фаолиятда на-тижадорликни ошириш учун ти-

зимли равишда ўқув семинарлар, тренинглар ўтказишга жиддий ёндашилмоқда. Мазкур тадбирларда ҳар бир вакил ўзи сайланган ҳудуд аҳолиси — сайловчилари билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиб, уларни ташвишлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қўнғундан кўмаклашиши, халқ олдида ҳисобдор бўлиши кераклигини онгу шуурга чуқур сингдиришга кўпроқ урғу қаратилмоқда. Токи, улар ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан тўлиқ фойдаланиб, сайловчилари ишончини оқлашсин. Уларга бўлган ишонч — бу партия-мизга ишонч демакдир.

Биламизки, депутатга берилган ваколатлар орасида депутатлик сўрови алоҳида аҳамиятга эга институт ҳисобланади. Чунки унинг ортида инсон тақдири, халқ манфаатлари туради. Қолаверса, бу тизим одамларнинг партияга ишончини оширишга хизмат қилади.

Шу маънода мазкур институтдан фойдаланиш бўйича жорий йилнинг тўрт ойи давомида вилоятимизда сезиларли натижаларга эришилди, дейиш мумкин. Ушбу даврда партиядан сайланган депутатлар

томонидан идоралар ва маҳаллий ҳокимликларга жами 144 та депутатлик сўрови юборилган бўлиб, шундан 124 тасига жавоб хати олинди. Қолган 20 таси муддати келмагани учун назоратда турибди.

Кенгашлар қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига эса фуқаролар томонидан 148 та мурожаат келиб тушди. Эътиборлиси, уларнинг 131 таси (90 фоизи) ижобий ечимини топди. Қолган мурожаатлар бўйича ҳам ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Баъзан ҳудудларда халқнинг қонуний вакиллари бўлган депутатлар сўровларига бепарво муносабатда бўлиш ҳолатлари учраши ҳақида эшитамиз. Бу бор гап. Депутатлик сўрови битилган хат иш столининг бир четда қолиб кетаётган мансабдорлар, таассуфки, йўқ эмас. Мазмунан олиб қараганда, асосан қишлоқ жойлардаги ночор инфратузилмани яхшилаш, электр энергияси, ичимлик суви, газ ва суолтирилган газ таъминоти, йўлларнинг аҳоли, мактаб-боғча, касалхона каби ижтимоий объектиларни қуриш, янгилаш каби масалаларда ижро ҳокимияти органларининг жойлардаги масъулларига депутатлик сўровлари юборилганида, кўпинча "Бу масала шу йилги дастурга киритилади" сингари шаблон ва юзаки жавоблар келиши-ку, бу энди янада оғриқли томонимиз. Айрим ҳолларда эса депутатлик сўровига масъул томонидан жа-

воб берилган, лекин депутатга етиб келмаган вазиятлар ҳам кузатилади.

Туман-шаҳар Кенгашларидаги депутатларимиз учун ўқув-семинарлар ташкил этганимизда депутатлик сўрови аниқ ва қонунийлик талабларига мувофиқ бўлиши, унда кўтарилаётган масаланинг ижтимоий аҳамияти, тегишли ташкилот-идорага тўғри йўналтириш масалаларига ҳам диққат қаратамиз. Бундан ташқари, депутатлар оқибатлар билан эмас, сабаблар билан ҳам курашиши, кўтарилган муаммоларни умумий жамлаб қонунлар қабул қилишга ташаббус билан чиқишлари лозимлиги тушунтирилади. Чунки сайловчилар ўзларини қийнаётган муаммоларни ҳал этишда биринчи гапда ўз вакилларига нажот кўзи билан қарайди. Ҳудудларнинг обод бўлиши, саноат ва ишлаб чиқаришнинг қишлоқларга кириб бориши, янги иш ўринлари очилиши, аҳолининг бандлик ва турмуш фаровонлиги даражаси ошиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатларининг кафолатланиши — бари-барисида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаоллиги ҳаётий заруратдир.

Дарвоқе, Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашида жорий йилнинг тўрт ойида амалий ҳаракатлар дастурга киритилган масалалардан 5 таси депутатлик гуруҳида, 4 таси доимий комиссияда ва 3 масала сессия кун тартибиде кўрилди.

Ўнлаб ёшлар партиямиз сафига қўшилди



Мухаддас УРУМБАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Янгиер шаҳар Кенгаши депутати, депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Очиги, бугунги кунга келиб барча бўғинда фуқаролар мурожаатларига муносабат тамоман ўзгарди. Кишиларнинг қўлидаги арз-шикоятни билан идорама-идора сарсон юргани, масъул раҳбарнинг йиғилишдан чиқишини хизмат сафаридан келишини кунлаб кутгани билан боғлиқ ҳолатларга яқин-яқингача дуч келардик. Ҳозир вазият тамоман акси. Ва бунга эришиш осон бўлаётгани йўқ.

Бугун ҳеч иккиланмай айта оламизки, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловчилари билан доимий мулоқот ўрнатиб, муаммоларни тинглаяпти, таклифларни, мурожаатларни ўрганапти. Шунинг учун улар ўзлари сайланган ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни яхши билади, қоғоздаги маълумотлар билан уларни алдаб ҳам бўлмайди. Сайловчиларга кулоқ тутиш, улар билан елка-елка туришда гап кўп.

Агар таққослайдиган бўлсак, бундан 5-6 йил олдин одамлар кўпроқ шахсий муаммоларини ҳал қилиш учун ёрдам сўраган бўлсалар, ҳозир ундай эмас. Айни вақтда мурожаатлар асосан жамоавий, яъни маҳалла аҳолиси учун инфратузилмани яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш масканларини қайта қуриш ёки капитал таъмирлаш масалаларида бўлмоқда. Демак, одамларимизда ўзи яшаб турган маҳалласи ва ҳудуди фаровонлигига дахлдорлик ҳисси пайдо бўлган.

Яқинда Янгиер шаҳар "Давлатобод" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳамда 8-сонли умумий ўрта таълим мактаби жамоаси мактабга қўшимча бино, яъни ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш учун синфхоналар қуриш масаласида мурожаат қилди. Худди шундай, шаҳримиздаги "Шодиёна" МФЙ ва Меъморлар кўчасида яшовчилар ичимлик суви таъминотидаги узиллишларни бартараф этиш масаласида ёрдам сўрадилар. Бу каби

муаммолар тегишли тартибда қисқа фурсатда ҳал этилишида ташаббус кўрсатдикки, биздан сайловчиларимиз беҳад мамнун.

Аҳоли билан ишлашда, бирламчи муҳим бўғин — маҳаллаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтиришда "Депутат — маҳаллада" лойиҳаси ҳам ҳар томонлама самарали бўлмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида низоли, оғир ижтимоий-маиший аҳволдаги оилаларга ташриф буюриб, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда, оилаларни яраштириб, ажримларнинг олдини олишда салмоқли натижаларни қўлга киритаётганимизни айтиб ўтмоғим жоиз.

Маълумки, ҳозирги таҳликали замонда жаҳон миқёсида кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик, ҳаётга энгил-елпи, истезмолчилик кайфияти билан қараш каби хатарлардан ёшларимизни ҳимоя қилиш ўта долзарб масалага айланган. Бундай шароитда фарзандлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, боғча, мактаб ва олийгоҳларга кириб бориш, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиш, ўқувчи-ёшларнинг таълим олиши, ахлоқ-одоби билан қизиқиш биз, депутатларни ҳам четлаб ўтмаслиги керак. Янгиер шаҳридаги умумтаълим мактабларида депутат ва ёшлар учрашувлари мунтазамлик касб этаётгани шу жиҳатидан айни мuddао бўлмоқда.

Шунингдек, партиямизнинг "Сафимиздаги ёшлар" лойиҳаси асосида қатор ташкилотларда ва таълим масканларида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Кун кеча шаҳримиздаги 10-сонли умумтаълим мактабиде бўлиб ўтган ана шундай тадбирда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳамда "Ўзбекистон-2030" стратегиясида белгилаб берилган вазифалар партиямизнинг дастурий ғояларига ҳамоханлиги, ёшларнинг узлуксиз таълим олиши ва бандлигини таъминлаш борасида яратилган улкан имкониятлар тўғрисида кенг тушунчалар берилди. Партия тизимидаги лойиҳалар доирасида ёшларни сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш орқали ХДП сафини шижоатли ва фаол йигит-қизлар билан тўлдириб борасида таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Қувонарлиси, мана шундай тадбирларимиз самарасида Янгиер шаҳрининг ўзида жорий йилда ўнлаб ёшлар ХДП сафига қабул қилинди. Бу ёшларимиз қиёфасида эса биз истиқболли мақсадларимиз рўёбини, келажакимизни кўрамыз.

» **ЯНГИЕР ШАҲРИДАГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВЛАРИ МУНТАЗАМЛИК КАСБ ЭТАЁТГАНИ ШУ ЖИҲАТИДАН АЙНИ МУDDАО БЎЛМОҚДА.**

Депутатларимиз ҳисобот тинглаш билан кифояланиб қолгани йўқ



Жумабой РАҲМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Боёвут туман Кенгаши депутати, депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш баробарида эҳтиёжманд оилалардаги меҳнат лаёқатли инсонларни касб-хунарга йўналтириш, улар учун доимий даромад манбаини яратиш, шу орқали ҳудудларда камбағаллик даражасини қисқартириш кун тартибидеги асосий масалалардан саналади. Бу борадаги реал ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш маҳаллий Кенгашлар диққат марказида бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, камбағаллик муаммосини кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-хунарга ўқитиш, ичимлик суви ва энергия таъминоти, йўл инфратузилмаси билан боғлиқ бутун бошли комплекс чора-тадбирлар зарур.

Мен салкам қирқ йилдан буён депутатлик фаолиятимни олиб бораётиман. Яширмайман, қонуний ваколат ва

ҳуқуқларимиз чекланган бир замонларда кўп чиғирликларни бошдан ўтказдим. Бирок бугун жамият ва давлат ҳаётидаги ўткир муаммоларни ҳал этишда маҳаллий вакилик органларининг роли сезиларли ошдики, натижада маҳаллий Кенгашларда депутатлар фақат ҳисобот тинглаш билан кифояланиб қолишдан аста-секин чекинмоқда. Таъбир жоиз бўлса, халқ вакили сифатида жонланмоқда. Айниқса, давлат раҳбарининг шу йил 2 февралда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони доирасида ўттиздан ошқ функция ва ваколатлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилгани ишимизда янги ўсишларга рағбат бўлади.

Ўрни келганда айтиб ўтай, ЎзХДП партия гуруҳи томонидан сўнги беш ой давомида туманимизда 7 та субъектнинг фаолияти таҳлилий ўрганилиб, шундан бешта ижтимоий-иқтисодий масала халқ депутатлари Боёвут туман Кенгаши сессиясига олиб чиқилди. Партиямиздан сайланган депутатларнинг шу вақт мобайнида 97 та ташкилот ва идорага юборган депутатлик сўровларида кўтарилган муаммоларнинг катта қисми ижобий ҳал қилинди. Ечими мураккаб бўлган 16 масала халқ депутатлари вилоят кенгашига йўналтирилди.

Хусусан, депутат аралашуви билан Боёвут туманида тупроқ-иқлим шароити нисбатан оғир бўлган "Навбахор" МФЙда кўп йиллардан буён аҳолини қийнаб келган ичимлик суви таъминоти изга тушди. Иккита ёшт заводи очилиб, қирқдан ортиқ ёшлар ишли бўлди. 170 нафар ёшга деҳқончилик қилиши учун экин майдонлари ажратиб берилди. Иссиқхоначилик, паррандачилик ва чорвачилик йўналишларига 127 нафар ишсиз фуқаро жалб қилиниб, уларга имтиёзли кредитлар ажратилди. Битта давлат, иккита оилавий боғча ташкил қилиниб, маҳалладаги болаларнинг мактабгача таълимга қамрови юз фоизга етказилди. Худуддаги 3 та умумтаълим мактабиде ҳам замон талабларига мувофиқ қулайликлар барпо этилди. Беш йил олдин бу чекка қишлоқдан бор-йўғи 12 нафар йигит-қиз олий таълим муассасаларида тахсил олган бўлса, бугун эса 140 дан зиёд навбахорлик ёшлар ОТМ талабаси ҳисобланади. Бу нимадан далоят? Шубҳасиз, халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш, тарақиёт эпкинлари чекка, олис ҳудудларга ҳам кириб бориши учун ҳаётга татбиқ қилинаётган ислохотларнинг, аниқ манзилли дастурларнинг амалий натижаси бу! Вилоятимиз миқёсида олиб кўрадиган бўлсак, бугун чин маънода яхши ўзгаришларга юз тутган "Навбахор" сингари маҳалларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Табиийки, мазкур жараёнда биз, депутатлар ҳам электротат манфаатларига қаратилган таклиф-ташаббусларимиз билан фаол иштирок этаётганимиз ҳақиқатдир.

Фарида МАҲКАМОВА
ёзиб олди.

JAMOATCHILIK NAZORATI



Тўсиқсиз муҳит

Жамиятда тенгликни таъминлайди

Янги Конституциямиз асосида қабул қилинаётган қонунлар пировард натижада халқ учун, жамият манфаати учун хизмат қилади. Аммо қачонки, одамлар уларни билса, ўрганса ва ҳаётида тўғри қўллаш олдига, ушбу мақсад амалга ошади. Акс ҳолда қонунчилик талаблари амалда ишламай, қоғозда қолиб кетаверади. Шунинг учун ҳар бир фуқаро қайси соҳада фаолият юритишидан қатъи назар, қонунларни билиши, уларни ҳурмат қилиши ва бошқалардан ҳам бунни талаб этиши лозим.

Бунинг учун, аввало, жамоатчилик назорати институти имкониятларидан унумли фойдаланиш керак. Хусусан, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари раҳбар-ҳодимларининг қонунларга қатъий амал қилиб, ўз зиммасидаги вазифа ва мажбуриятларни масъулият билан адо этишида бу институтнинг таъсир доираси жуда муҳим саналади. Нодавлат ташкилотлари ҳамда ОАВ ўрнини кучайтириш орқали эса кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш мумкин.

Содда қилиб айтганда, жамоатчилик назорати бирор-бир ноҳақликнинг томошабини эмас, балки бартараф этувчисига айлангани, камчиликларга ҳамда қонунбузарликларга муросасиз бўлишни талаб қилади.

Шу мақсадда фаолият юритаётган Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлими доимий ва тизимли равишда жойларда назорат тадбирларини амалга оширади. Жамиятимиздаги тўсиқсиз муҳит ҳолатини ўрганиб боради.

Хусусан, жорий йилнинг январь ойида ассоциация Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси билан биргаликда ногиронлиги бор шахсларга транспорт хизматлари қўлайлиги бўйича мониторинг ўтказди. Шимолий вокзал ва Чилонзор метро бекатларидаги ўрганишлар давомида ногиронлиги бор инсонларга бўлган муносабат ва камчиликлар юзага қалқиб чиқди.

Масалан, аксарият бекатларда ногиронлар аравачасидан фойдаланувчи шахслар учун хавфсиз ва қўлай шароит қилинмаган. Ёғингарчилик пайтида панада туришни истаган инсон бекатнинг ушбу қисмига ўтиши учун пандус йўқ. Жамоат транспортларида кўзи ожиз фуқаролар учун овозли хабар берувчи мосламалар ўрнатилмаган. Ҳар иккала йирик бекатдаги ҳолатни кўриб, "Пойтахт фақатгина соғлом инсонлар учунми?" деган иштибоҳга бориш мумкин.

Аниқланган камчилик ва муаммолар Транспорт назорати инспекцияси ва ассоциация томонидан тегишли тартибда ҳал этиш режалаштирилди. Бу борада амалий ишлар ҳам бошлаб юборилди. Аммо фақат бекатларда ногиронлиги бўлган шахслар учун қўлайлик яратиш билан масала якунига етмайди.

Яқинда, аниқроғи, жорий йилнинг 23 апрелидан Ногиронлар ассоциацияси ва Тошкент давлат юридик университети қошидаги Юридик клиника ҳамкорлигида дорихоналардаги тўсиқсиз муҳит мониторингига старт берилди. Ўрганиш Чилонзор туманида жойлашган дорихоналардан

Аксарият бекатларда ногиронлар аравачасидан фойдаланувчи шахслар учун хавфсиз ва қўлай шароит қилинмаган. Ёғингарчилик пайтида панада туришни истаган инсон бекатнинг ушбу қисмига ўтиши учун пандус йўқ. Жамоат транспортларида кўзи ожиз фуқаролар учун овозли хабар берувчи мосламалар ўрнатилмаган.

бошланди.

Афсуски, аксарият дорихоналарга ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзгалар кўмагисиз, яъни тўсиқсиз равишда кириб-чиқишига шароит йўқ. Тўғри, пандус деб ўрнатилган қияликлар бор. Аммо улардан ногиронлик аравачасидаги шахс у ёқда турсин, бўш аравачани чиқариб-тушириш ҳам имконсиз. Яъни, "қиялик"лар стандартларга мос равишда қурилмаган. Жуда ҳам сирпанчиқ ва белгиланган градусда эмас. Аслида пандус хавфсиз, ҳаракатланиш учун қўлай бўлиши зарур. Унинг ҳажми ҳам муҳим саналади. Ногиронлар учун нишабнинг максимал узунлиги 36 метр, эни эса 90-100 см бўлиши талаб этилади. Тошкентдаги биноларнинг аксариятида пандус йўқ ёки номига, яъни талабларга мутолақ жавоб бермайдиган равишда ўрнатилган. Бу ўрганишлар давомида яққол кўриниб қолди.

Олим САЙНАЗАРОВ, "Меҳрибонлик" ногиронлар жамияти Учтепа тумани бўлими раиси:

— Бугун кўча-кўйда ногиронлиги бўлган инсонларни ҳар доим учратавермаймиз. Бунинг биринчи сабаби, уларнинг жамиятдан узилиб қолгани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ногиронлиги

бор шахслар вақтини беҳуда ўтказишни истамайдилар. Уйда бирор фойдали юмуш билан банд бўлиш, китоб ўқиш ёки мустақил равишда ўз устида ишлаш кўпчилигининг ҳаёт тарзига айланган. Афсуски, сизу бизга ўхшаган инсонларнинг, жамоатчиликнинг безътиборлиги, уларга бемор сифатида қараш кўникмалари ногиронлиги бўлган шахсларнинг қайсидир маънода жамиятдан айро яшашига туртки бермоқда. Аслида бизнинг вазиғамиз бу тоифа инсонларнинг турмуш тарзини қўлайлаштириш, уларга тўсиқсиз жамият яратиб бериш орқали салоҳиятидан, меҳнатидан, иқтидоридан унумли фойдаланишдан иборат бўлмоғи керак. Шу мақсадда тез-тез мониторинг тадбирлари ўтказиб келинади. Масалан, ўтган ойда ҳам пойтахтимиздаги айрим жамоат жойларидаги тўсиқсиз муҳит ҳолатини ўргандик.

Ўрганиш давомида British management university биноси ҳамда меҳмонхонасидаги камчиликлар юзасидан қонуний тавсиялар берилди. Аввало, ҳар бир қаватда ногиронлиги бўлган шахслар учун барча имкониятларга эга жой ташкил этилиши лозим. Университет ҳудудида эса махсус маълумотлар тахтиси ва кўрсаткичлар ўрнатилиши жуда муҳим.

Шунингдек, пандуслар белгиланган стандартларга мослаштирилиши, икки томонлама бўлиши хавфсиз ва қўлай ҳаракатланишга имкон беради. Керакли жойларда ногиронлиги бўлган шахсларга навбатсиз хизмат кўрсатишга оид маълумотлар ўрин олиши ва ушбу қоидага амал қилиниши таъминлаш керак.

Бундан ташқари, автотураргоҳларда ногиронлиги бўлган шахслар учун камида иккита жой ажратилиши ва улар стандартларга мос равишда жиҳозланиши талаб этилади. Айни пайтда педальлар учун мўлжалланган ва махсус чегара (бордюр) билан ажратилган йўлакларда пандуслар ташкил қилиш хавфсизликни таъминлайди.

Ўзбекистон БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган. Биз келтирган талаблар эса мазкур халқаро ҳужжатда белгиланган меъёрларга мувофиқдир.

Савдо дўконлари, Давлат хизматлари марказлари, шифоналар каби муҳим ижтимоий объектларга стандартларга мос ва хавфсиз ҳаракатланишни таъминловчи пандус ўрнатиш, дорихоналар пештахталарини ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам мослаштириш, жамоат транспортлари ва бекатларда ўзганинг ёрдамсиз ҳаракатланишга имконият яратиш орқали йирик муаммоларнинг ечимини оsonлаштириш ва тезлаштириш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат. Жамият психологиясидаги ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан қарашни, муносабатни ва муомаладаги тўсиқларни ўзгартиришимиз вақти келди. Акс ҳолда ҳеч бир тўсиқсиз муҳит уларнинг жамиятга қўшилиб, тўлиқ аъзоли бўлишига хизмат қилмаслиги турган гап.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, "Ўзбекистон овози" мухбири.

15 минг нафар...

Жорий йилда ҳам Ўзбекистон фуқаролари учун умумий ҳаж квотаси 15 000 нафар этиб белгиланди.

АОКАда бўлиб ўтган брифингда Дин ишлари бўйича кўмитаси ахборот хизмати раҳбари Илҳом Маърупов "Ҳаж-2024" мавсумига кўрилатган тайёргарлик ҳақида маълумот берди:

"Ҳаж-2024" мавсумига пухта тайёргарлик ишларини амалга ошириш мақсадида, дастлабки ишчи гуруҳ Саудия Арабистонига етиб бориб, айни пайтда Макка ва Мадина шаҳарларидаги меҳмонхоналарда, шунингдек, Мино, Арафот, Муздалифа манзилларида бўлиб, юртдошларимиз учун барча шароитларни ҳозирлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Шунингдек, ўзбекистонлик зиёратчилар учун ажратилган меҳмонхоналар шай ҳолатга келтирилган ҳамда юртдошларимизни кутиб олиш бўйича барча зарурий ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 23 майдан 7 июнь кунига қадар республиканинг 10 та ҳудудий халқаро аэропорти: Тошкент, Наманган, Фаргона, Қарши, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Урганч, Нукус шаҳарлари орқали ҳожиларни Мадина шаҳрига юбориш ҳамда 22 июндан 12 июлга қадар Жидда шаҳридан Ўзбекистонга олиб келиш ишлари амалга оширилади.

Ҳаж мавсумида ўзбекистонлик зиёратчиларга хизмат кўрсатиш, ибодатларни эмин-эркин ҳамда тўла-тўқис амалга оширишлари учун юқори ма-лакали Ишчи гуруҳи, шифокорлар, ошпазлар ва гуруҳ раҳбарлари жалб этилади.



JINOYATGA JAZO MUQARRAR

"Қамоқдан чиқариб бераман..."

Инсон ёши улғайиб, ҳаётнинг паст-баландини англаб боргани сари хато қилмасликка, охири пушаймонликка элтувчи йўлдан юрмасликка интилади. Бирок "қаҳрамонимиз" З.П. айни оқ-қорани таниган ёшда азбаройи нафс кутқусида фирибгарликка қўл уриб, қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

- З.П. ва унинг шериги билан кафедра танишганмиз, - дея судда кўрсатма берди гувоҳ Э.Н. - Улар қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланишни, таниш-билишлари кўпчилигини, ҳар қандай масалада қилин қирқ ёриб чиқиб кета олишларини айтишди. Шунда мен ўтган йилнинг декабрь ойида икки танишимга нисбатан жиноий иш кўзгатилиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинганини сўзлаб бериб, З.П.дан бу жазони бошқа турдаги енгилроғига ўтказиш масаласида ёрдам сўрадим. У мендан терговчининг исм-фамилиясини сўради. Айтдим. З.П. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишловчи танишлари орқали масалани ҳал қилиши мумкинлигини билдирди. Олдимда телефонда ким биландир гаплашиб, кечга томон учрашишга келишдик. Биз учрашдик. З.П. менга 5 минг АҚШ доллари берсам, танишларим қамоқдан чиқишини маълум қилди. Тўғриси, бу менда шубҳа уйғотди. Ўйлаб кўриб, бу ҳақида ариза билан Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилдик. Бизнинг аризамизга асосан тезкор тадбир ўтказилди. Эртаси кун яна кафедра кўришдик. Ундан ким орқали танишларимни ҳибсхонадан чиқарасиз, дея сўрадим. У эса айтмади. "Бугеги билан ишингиз бўлмасин, пулни берсангиз, ҳаммаси яхши бўлади", деди. Қисқаси, З.П. мендан 2000 доллар олган вақтида ушланди.

- Айбимни тан оламан, - деди судда судланувчи З.П. -Органда ҳеч қандай танишим йўқ. Мақсадим бу аёлни алдаб пулини олиш эди. Бошқа бундай иш қилмайман...

Суд судланувчига жазо тури ва миқдорини тайинлашда барча жиҳатларни эътиборга олди. Суднинг ҳукми билан З.П. га 2 йил 1 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Афсуски, бугун жамиятимизда содда инсонларнинг ишончига кириб, пул ундириш мақсадида ҳар қандай ёлгон ва фирибгарликдан тап тортмайдиган бундай кимсаларга кўп дуч келаётганимиз рост. Уларнинг "ўлжаси"га айланиб қолмаслик учун ҳушёрликни, қонун талабларини чуқур тушуниш ва ҳуқуқий маданиятимизни оширишимиз ҳозирги давр талабидир.

Азимжон ҲАКИМОВ, Жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман судининг судьяси.

Фоиз тўланадими?



Кўпинча бир гапни эшитиб қоламиз. НИМАГА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ФУҚАРОЛАРИ ПЕНСИЯГА ЧИҚҚАЧ БОШҚА ДАВЛАТЛАРНИ АЙЛАНИШ, САЁХАТ ҚИЛИБ ЮРАДИ? ЧУНКИ УЛАРНИНГ ҚўЛИДА КАФОЛАТЛАНГАН МАБЛАҒ БОР, УНИ ОЛИБ БЕМАЛОЛ ҚАРИЛИК ГАШТИНИ СУРАДИ, САЁХАТ ҚИЛАДИ. БИЗДА-ЧИ? АСЛИДА, БИЗНИНГ ҲАМ ЖАМҒАРИБ БОРАДИГАН ПЕНСИЯ ТИЗИМИМИЗ ШУНИ НАЗАРДА TUTАДИ. АСОСИЙ МАҚСАД ФУҚАРО ЭРТАГА ПЕНСИЯГА ЧИҚҚАНДА, УНГА ЖАМҒАРГАН СУММАЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЙўЛГА ҚўЙИШДИР. БИЛАМИЗКИ, АҲОЛИНИ, ЯЪНИ, МИЛЛИОНЛАБ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИДАН ЙИҒИЛИБ БОРИЛАДИГАН ШАХСИЙ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ БОР. КЕКСАЛИҚДА УНИ ОЛИБ, БЕМАЛОЛ СИЗ ҲАМ САЁХАТГА ЧИҚИШИНГИЗ МУМКИН. УШБУ МАБЛАҒЛАР ХАЛҚ БАНКИДА САҚЛАНДИ.

Тўғриси, одамлар билан сўхбатлашганимизда биздан шу ҳақида кўп сўрашади. Жамғариб бориладиган пенсия қай тартибда шакллантирилади? Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга фоиз тўланадими, деган саволлар кўп бўлади. Муштарийларимизни қизиқтирган ушбу саволлар билан Республика Халқ банкининг Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини кўллаб-қувватлаш департаменти директори вазифасини вақтинча бажарувчиси Ҳасан Маматалиевга мурожаат қилдик.

– Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари фуқароларнинг иш ҳақидан олинадими?

– Маълумки, тегишли қонунчилик асосларига кўра, мамлакатимизда 2005 йил 1 январдан бошлаб, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими амалиётга татиб этилган эди.

Унга асосан, Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади. Яъни, банк томонидан жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни ҳисобга олиш, уларнинг маблағлари ҳисобини юритиш, ушбу маблағларни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга маблағларини ўз вақтида тўлаб бериш каби вазифалар амалга оширилмоқда.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари фуқароларнинг иш ҳақи ҳисобидан эмас, балки даромад солиғи ҳисобидан ўтказилади. Яъни, айна пайтда фуқаронинг даромад солиғига тортиладиган иш ҳақининг 0,1 фоизи миқдори давлатга тўланадиган даромад солиғидан чегирилиб, фуқаронинг Халқ банкида очилган шахсий пенсия ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Бунда фуқаро оладиган иш ҳақи камаймайди, аксинча, давлат унинг номига кўшимча маблағни йиғиб боради. Ушбу тизим ҳар ойда олинадиган давлат пенсиясига кўшимча фуқароларни пенсия ёшига етганда фаровон яшаши учун кўшимча пул маблағларига эга бўлишини таъминлайди. Шундай қилиб, ўтказилган бадаллар иш берувчининг ҳам, ишловчи фуқаронинг ҳам моддий манфаатларига зиён етказмайди.

Бундан ташқари, иш берувчиларнинг ходимлари номига мажбурий жамғариб бориладиган пенсия маблағларини ўтказишдан ташқари, фуқаролар ихтиёрий равишда ҳам ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига маблағ ўтказиб боришлари мумкин. Бу ҳам фуқароларнинг кексайган чоғида етарли жамғармага эга бўлишига хизмат қилади.

– Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш тартиби қандай?

– “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга кўра, жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонунчиликка мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга деб, белгилаб берилган. Мазкур Қонуннинг 17-моддасига кўра, фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланиши ҳамда фуқаро вафот етган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонунчиликка белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланиши белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонунчиликка мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса ҳамда вафот етган тақдирда, меросга ўтади ва меросхўрга тўланишини маълум қиламиз.

» Фуқаролар ихтиёрий равишда ҳам ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига маблағ ўтказиб боришлари мумкин. Бу ҳам фуқароларнинг кексайган чоғида етарли жамғармага эга бўлишига хизмат қилади.

– Ишловчи фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия маблағларига Халқ банки томонидан фоиз тўланадими?

– Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга Халқ банки ҳар йили пул қадрсизланишига нисбатан юқори сурьатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонунчиликка белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади.

Қўшиладиган фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Мисол учун, сўнгги 5 йил ичида жамғариб бориладиган пенсия маблағларига ҳисобланган фоизлар куйидагича:

- 2018 йил учун – 14,4 фоиз;
- 2019 йил учун – 15,3 фоиз;
- 2020 йил учун – 11,2 фоиз;
- 2021 йил учун – 10,0 фоиз;
- 2022 йил учун – 12,5 фоиз ҳисоблаб қўшилган.

Бундан ташқари, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек, молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади. Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди.

– Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишда танлаш ҳуқуқи

борми? Айтмоқчимизки, ушбу маблағлар ҳар ойда бўлиб-бўлиб олинадими ёки бир мартага ҳаммаси берилдими?

– Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдори жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган маблағлар суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бундан ташқари, жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг энг кам ёки энг кўп миқдорини белгилаш назарда тутилмайди.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган барча маблағларни бир йўла олишда тўловлар жамғарилган пенсия тўловларини олиш вақтида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган маблағлар доирасида тўлиқ ҳажмда амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бўлиб-бўлиб олинган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган жамғарилган сумма жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи ушбу тўловларни олишни хошлайдиган ойлари сонига бўлинади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш даври ва даврийлиги жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи томонидан белгиланади ва чекланмайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишда танлаш ҳуқуқи бор бўлиб, ҳар ой бўлиб-бўлиб ёки бир йўла олиши мумкин.

– Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларни хошлаган вақтда олиш мумкинми? Масалан, пенсияга чиқмасдан ҳам?

– “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига кўра, жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонунчиликка мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга деб, белгиланган.

Мазкур Қонуннинг 17-моддасига кўра, фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланиши ҳамда фуқаро вафот етган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонунчиликка белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланиши белгилаб берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонунчиликка мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келмасдан олдин тўлаб берилмайди.

– Қўшимча жойда ишласа ҳам пенсия ҳисобварағига маблағ қўшиладими?

– Фуқаро қўшимча жойда ишласа ҳам унинг даромад солиғига тортиладиган иш ҳақисининг 0,1 фоиз миқдори давлатга тўланадиган даромад солиғи ичидан олиниб шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиб берилади.

– Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларни қандай билса бўлади?

– Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида иштирок этувчи ҳар бир фуқаро ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғарилган маблағлари қолдиғи, уларнинг айланмасини my.gov.uz сайтидаги шахсий кабинети, Халқ банки “XAZNA” мобил иловаси орқали онлайн тартибда ҳамда бевосита Халқ банкидан билиши мумкин.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА “ЎЗСУВТАЪМИНОТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН “ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҚЛАРИГА НОҚОНУНИЙ УЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ДЕБИТОР ҚАРЗДОРЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ” МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ. АНЖУМАНДА МАМЛАКАТИМИЗДА АҲОЛИНИ МАРКАЗЛАШГАН ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР НАТИЖАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА БУ КўРСАТКИЧ 77,2 ФОИЗГА КўТАРИЛГАН ТАЪКИДЛАНДИ. ЯНА БУГУНГИ КУНДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ОРАСИДА ТўЛОВ ИНТИЗОМИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ ҚўЛАМЛИ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАНИ БИЛАН БИРГА ТўЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ҚўЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТўЛОВ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИАТ ЯРАТИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА ҲАМ МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ.

«Ўзсувтаъминот» АЖ:

Истеъмолчилар ичимлик сувидан 1 триллион сўм қарздор



– Аҳоли орасида тўлов интизомини шакллантириш, марказлашган тоза ичимлик суви таъминоти тармоқлари ва оқова сув хизматларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ департамент директори Зухриддин Зайниддинов. – Бунинг натижасида жойларда истеъмолчилар томонидан қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилиб, етказилган зарар миқдори тегишли тартибда ундирилмоқда. Хусусан, айна вақтда истеъмолчиларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари бўйича қарздорликлари 1 триллион сўмни ташкил этмоқда. Шундан, 740,5 миллиард сўм, яъни 73 фоизи жисмоний шахсларга, қолган 27 фоизи юридик истеъмолчилар хиссасига тўғри келмоқда.

Мазкур қарздорликларни қисқартириш мақсадида жорий йилда 65,3 минг нафар қарздор истеъмолчи бўйича фуқаролик ва иқтисодий судларга 215 миллиард сўмлик даъво аризалари киритилди. Бундан ташқари, ўтган вақт мобайнида республика бўйича 12,9 минг нафар жисмоний ва юридик истеъмолчи қарздорлиги учун тармоқдан узилган. Ушбу ҳолатларнинг 8,2 мингтаси, яъни энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида қайд этилган. Жисмоний шахсларнинг дебитор қарздорлиги жорий йил бошига нисбатан 16,2 миллиард сўмга қисқарган. Қарздорлиги 1 миллион сўмдан ошган истеъмолчилар сони эса йил бошига нисбатан 25 мингтага ёки 14 фоизга камайган.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 1 миллион сўмгача қарздор бўлганлар сони 2,2 миллион, яъни умумий қарздорлар сонининг 93 фоизини, 1 миллион сўмдан ортиқ қарздорлиги мавжудлар эса 7 фоиз ташкил қиламоқда.

Масъулларнинг айтишича, бугунги кунда истеъмолчиларнинг сув ҳисоблагич билан таъминланганлик даражаси 73,2 фоизга етказилган. Шунингдек, истеъмолчиларнинг 3,8 миллионтаси ёки 80 фоизи биллинг базасида мобил телефон рақамлари бириктирилган.

Бундан ташқари, соҳадаги коррупцион ҳолатларни олдини олиш мақсадида, аҳоли назоратчилари учун “инсон омилсиз” рақамлаштирилган КРІ тизими жорий этилиб, 2,3 мингдан ортиқ назоратчи ходимларнинг иш самарадорлиги мазкур тизим орқали баҳоланмоқда.

Анжуманда жорий йилда пул ундируви 886 миллиард сўмни ташкил этиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 баробарга кўп экани очикланди.

2024 йилнинг ортада қолган даврида масъуллар томонидан ичимлик ва оқова сув тизимларига 2,6 мингта ноқонуний уланиш ҳолатлари аниқланди. Бунда энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида – 572 та ҳолат қайд этилган. Эътиборлиси, мазкур қонунбузарликлар туфайли дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жамият манфаатларига 51 миллиард сўмдан ортиқ зарар етказилгани айтилди.

Тоштемир МУРОД.

ELEKTORAT MANFAATI

БМТ МАЪЛУМОТЛАРИГА КўРА, 2022 йилда дунёда 1,2 МИЛИАРД ОДАМ КАМБАГАЛЛИКДА ҲАЁТ КЕЧИРГАН. ЎЗБЕКИСТОНДА-ЧИ? ОЧИҒИ, 2020 йилгача бу ҳақида ОШКОРА СЎЗ ЮРИТИЛМАДИ, МУҲОКАМА ҚИЛИНМАДИ. АСЛИДА КАМБАГАЛЛАР ЙЎҚ ЭДИМИ? БОР ЭДИ, АЛБАТТА. АММО ҲЕЧ КИМ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КАМБАГАЛЛАР СОНИ ҲАҚИДА АНИҚ БИЛМАСДИ. ЧУНКИ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА БУ АТАМА ҲАМ, МАМЛАКАТДА КАМБАГАЛ ҚАТЛАМ БОРЛИГИ ҲАМ ТАН ОЛИНМАГАН.

Камбағал оилалар КАМАЙДИСМИ?

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Узоқ вақт ёпиқ бўлган камбағаллик мавзуси секин-аста, айниқса, пандемия даврида сув юзасига қалқиб чиқа бошлади. Дунёнинг "мана-ман" деган давлатларини ҳам боши берк кўчага киритиб қўйган пандемия, карантин чекловлари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг бирламчи эҳтиёжларини қондириш масаласи жиддий эканини амалда кўрсатди. Камбағаллик ҳолатига тушиб қолишдан кўра, ундан чиқиб кетиш қийинроқ экани янада ойдинлашди.

2020 йилга келибгина Ўзбекистон раҳбари расмий минбардан туриб, мамлакатда камбағаллик даражаси ва унга қарши курашиш ҳақида гапирди. Ушанда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 12-15 фоиз атрофида экани маълум қилинди. Бу 4-5 миллион нафар аҳоли етарли даромад манбаига эга эмаслигини, ижтимоий ҳимояга муҳтожлигини билдиради. Тўғри, камбағаллик ҳар қайси замонда бўлган ва бугун ҳар бир мамлакатда бор. Буни инкор этиб бўлмайди. Асосий масала камбағалликка қарши қандай курашилиши, давлат ва жамиятнинг саъй-ҳаракатлари бирлашиши, аниқ мақсадга йўналтирилишида. Шуларни инобатга олиб, камбағалликни қисқартириш масаласи кун тартибига чиқди.

Ўзбекистон камбағалликка қарши қандай курашмоқда?

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги айнан ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам билан ишлаш жараёнини тартибга солиш учун махсус ташкил этилди. Халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда 2030 йилгача Камбағалликни камайтириш стратегиясини ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Жойлардаги давлат ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ижтимоий дафтларлар ташкил этилиб, эҳтиёжманд, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар қўллаб-қувватланмоқда. Худудларда камбағаллик даражасини қисқартириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, аҳолини касбга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда муҳтож қатламни манзилли қўллаб-қувватлаш умумий миллий ҳаракати сифатида белгиланди.

2021 йилда Ўзбекистонда илк бор "камбағаллик" тушунчасининг ҳуқуқий асослари белгиланди. Унга кўра, аҳолининг минимал ижтимоий стандартлари ва камбағаллик чегараси аниқлаб олинди. Оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдамини тайинлаш учун жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатлари миқдорига, яъни камбағаллик чегарасига тенглаштирилди.

Минимал истеъмол харажатлари (30 турдан ортиқ озиқ-овқат ва ноозиқ овқат товарлар ҳамда хизматлар қиймати) камбағаллик мезони сифатида қабул қилиниб, жон бошига бундан кам даромадга эга бўлган оилаларга кам таъминланганлик нафақаси тўланадиган бўлди.

Яна бир муҳим масала. Мамлакатда 2030 йилгача бўлган даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси қабул қилинган. Ўзбекистон Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, унинг барча худудларда бўлимлари, шунингдек, республиканинг ҳар бир шаҳар ва туманида «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди.

Минимал истеъмол харажатларига асосланган миллий камбағаллик чегараси тасдиқланди.

Маълумот учун:

Ўзбекистонда камбағалликнинг янги ўлчови сифатида минимал истеъмол харажатлари жо-

рий қилинди. Унинг миқдори 2021 йилда 440 минг сўмни ташкил этган, 2022 йил январидан бошлаб эса 498 минг сўм деб белгиланди. Кейинчалик бу миқдор 2023 йил июль ойида 498 минг сўмдан 568 минг сўмгача, 2024 йилнинг январидан эса 568 минг сўмдан 621 минг сўмгача оширилди. Жорий йилнинг 1 майдан электр энергияси ва газ тарифларининг қимматлаётгани фонидан эса 648 минг сўмга етказилди.

Жаҳон банки: Ўзбекистонда камбағаллик сезиларли даражада қисқарган

Яқинда Жаҳон банки «Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш йўли: халқаро таққослаш дастури хулосалари» блогини эълон қилди.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда камбағаллик даражаси 2 баробарга қисқариб, Европа ва Марказий Осиё давлат-

даражасини баҳолади. Тадқиқотда ижтимоий ҳимоя тизимининг камбағаллик даражасига таъсири таҳлил қилинди.


Ўзбекистонда уч йил ичида болалар камбағаллиги 7,8 фоиз пунктга камайди. Қишлоқ жойларда болаларнинг камбағаллик даражаси 24,6 фоиздан 14,5 фоизгача, шаҳарларда эса 18 фоиздан 13 фоизгача пасайган.

Тадқиқот шунинг кўрсатдики, болалар камбағаллиги даражаси энг паст бўлган худудлар Навоий вилояти ва Тошкент шаҳри бўлса, бу борада юқори кўрсаткич Сирдарё ва Жиззах вилоятларига тўғри келган.

Ҳисоб-китобларга кўра, ижтимоий нафақалар бўлмаса, мамлакатда болалар камбағаллиги даражаси 1,6 баравар ошади.

Депутатлар нима дейди?

Одамларга ёрдамга кредит бериш ёки пул тарқатиш билан камбағалликни енгиб бўлмас-



лари ичида энг яхши кўрсаткичлардан бирини қайд этган. Хусусан, мамлакатда камбағаллик даражаси 2015 йилдаги 36 фоиздан 2022 йилда 17 фоизгача пасайган. Бу кўрсаткич Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги умумий натижаларга нисбатан яхшироқ. Ушбу даврда умумий миқдоридан кўрсаткич 13 фоиздан 8 фоизгача камайган.

Миллий камбағаллик чегараси (минимал истеъмол харажатлари) асосида ҳисобланган камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17 фоиздан 2023 йилда 11 фоизгача пасайгани келтирилган.

Жумладан, 2021-2023 йилларда қишлоқ жойларига 1,2 млн. (камбағаллик даражаси 2021 йил – 19,8 фоиз; 2023 йил – 12 фоиз) ва шаҳарларда 400 минг (13,9 фоиз; 10,1 фоиз) аҳоли камбағалликдан чиқарилган. Бунда қишлоқ худудларда камбағалликнинг қисқариши шаҳарларга нисбатан тезроқ кечган.

«Уй хўжаликлари даромадларининг ўсиши қашшоқликни камайтиришнинг асосий омил бўлди. Иш ҳақининг ўсиши камбағалликни қисқартириш бўйича эришилган ютуқларнинг 60 фоизини ташкил этди. Кейинги энг муҳим омил ижтимоий трансфертлардир, чунки ҳукумат аҳолининг айрим гуруҳларини қўллаб-қувватлаш бўйича асосий дастурларни модернизация қилди ва кенгайтирди. Шу билан бирга, пенсия таъминотининг яхшиланиши ҳам ижобий таъсир кўрсатди», дейилади ЖБ блогига.

Тадқиқот: Ўзбекистонда болалар камбағаллиги даражаси ҳақида...

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази UNICEF билан биргаликда Ўзбекистондаги болаларнинг монетар камбағаллиги

лигини исботлашга ҳолатга ўй, албатта. Аксарият камбағал оилаларда меҳнатга лаёқатли инсонларимиз бор. Улар ишга жойлашса, бу ўз-ўзидан оилалар даромади ошишига хизмат қилади. Шу тариқа оила камбағалликдан чиқади.

Биз худудлардаги ҳақиқий ҳолатга назар ташлаймиз. Аҳоли даромадларини ошириш бўйича Халқ демократик партиясининг ташаббуслари ҳақида нима дейиш мумкин? Ушбу саволлар билан ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари ва депутатларга юзландик.

Шерзод РАҲМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидagi ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-хунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда. Бу жуда катта ва тарихий аҳамиятга эга марра. Мазкур натижага эришилиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарали амалга оширилишини ҳам аңглатади. Яъни, камбағаллик икки баробар қисқариши жуда кўплаб соҳаларда ҳақиқий ўсиш бўлганининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Аслида камбағалликка барҳам бериш жуда катта қаровга эга бўлган масала ҳисобланади. Бунда кимгадир ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бу иқтисодий инфратузилма билан бирга инвестиция йўналтириш, бандлик билан боғлиқ барча муаммоларни ечиш, таълимни ривожлантириш каби комплекс чораларни талаб этади.

Ҳўш, тизимдаги ишларга назар ташласак, ҳақиқий манзара нималарни кўрсатади?

2022 йилдан бошлаб мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш мақсадида аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, маҳалларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди. 2022 йилнинг бошида 9 минг ҳоким ёрдамчилари тайинланиб, уларга ўзларига бириктирилган маҳаллада уйма-уй юриш орқали камбағал ва даромади паст бўлган аҳоли бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорликка ўргатиш ва касб-хунарга ўқитиш, субсидия ва кредитлар олиши каби йўналишларда ёрдам кўрсатиш вазифалари қўйилди. Улар томонидан эҳтиёжманд аҳоли даромадини ошириш

мақсадида хонадонбай ўрганиш асосида 36 та турдаги хизматлар, шундан 21 турдаги субсидиялар ҳамда Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида имтиёзли кредитлардан фойдаланилмоқда.

Маҳаллардаги ҳоким ёрдамчилари кўмагида 2023 йилда жами 4,1 млн аҳоли, шундан 2,3 млн нафари доимий ва мавсумий иш ўринларида, 112,8 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларида, 1,6 млн. аҳоли ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига бандлигини таъминлашга эришилди.

Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида жалб қилиш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш натижасида "20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис" дастури ишлаб чиқилиб, бунинг доирасида 6 745 та тадбиркорлик субъекти билан 455,0 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Биз жойларда сайловчилар билан учрашувларга борганимизда мунтазам равишда бу масалани ўрганиб борамиз. Ҳоким ёрдамчилари билан уйма-уй юриб, жойлардаги ҳақиқий вазият қандайлигини ўрганимиз, муурожаатларни қўриб чиқамиз.

Олим РАВШАНОВ, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

– Камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди. "Маҳаллабай" ва "Фуқаробай" ўрганишлар асосида бу борада доимий тарзда назорат-таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Яқинда депутатлар билан бирга худудларда бўлганимизда ижтимоий дафтларларга киритилган аҳолининг муаммолари ўрганилди. Тўғри, аҳолини иш билан таъминлаш бўйича чоралар қўриляпти. Одамларга ер, тикув машинаси бериляпти. Бу яхши, албатта. Лекин кейин-чи? Бу билан ўзини ўнглаб кетолмаётган фуқаролар бор. Шундай одамларимиз бор, касб-хунарга ўрганиб, ишга келганда ҳар хил баҳоналар қилади, "даромад кам", "ота-онам руҳсат бермади", каби баҳоналарни рўқча қилишади. Касб-хунарни пухта ўзлаштиради, ишда муаммо бўлмайди-ку. Бу шунча саъй-ҳаракат ҳавога совурилди, дегани эмасми?

Сайловчилар билан суҳбатлашганимизда бунга кўп гувоҳ бўламиз. Томорқасидаги ердан оқилона фойдаланмай келаётганлар ҳам кўп. Шунинг учун тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтиришга эътибор беряпмиз.

Шунингдек, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури шартлари асосида тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи бошқа корхоналарга ер майдонида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчиликни ривожлантириш, полиз, дуқкачилик, мойли экинлар ва картошка етиштириш учун кредитлар ажратиш ҳолатларини ҳам таҳлил қилиб боряпмиз.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз бу масалада назорат-таҳлил ишларини кучайтириб, айнан камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш, бандлигини таъминлаш йўналишларини, керак бўлса, ҳар чоракда сессияда қўриб чиқишни режалаштирмақда.

Чунки мазкур масалалар Халқ демократик партияси фоялари билан чамбарчас боғлиқ. Айнан бизнинг электротар манфаатларига дахлдор масалалар тақдир ҳудудларда ҳал бўлади. Жойларда масъулларнинг депутатлар корпуси олдидаги ҳисобдорлиги, маҳаллий вакиллик органлари томонидан жамоатчилик назоратининг кучайтирилиши қонунлар, қарорлар, давлат дастурлари ижроси таъминланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Вилоятимизда 127 нафар депутат бор. Бу катта куч ва имконият, дегани. Демак, шунга яраша фаол ҳаракат қилишимиз, бор куч ва имкониятимизни сафарбар этишимиз керак.

Ҳақиқатан ҳам, дастурларга назар ташласак, вазифалар кўлами кенглигига, қилинажак ишлар кўплигига ва ўз навбатида уларнинг самараси ҳам зўр бўлишига қаттиқ ишонди одам. Лекин ишонч билан иш битмайди. Ҳамма гап эзгу мақсадга жиддий кўз билан қараш, ишга масъулият билан, виждонан ёндашишда. Чунки камбағалликни қисқартириш соҳасидаги турли кўзбўямачилик ёхуд ёлғон ҳисоботлар амалда кўмакка муҳтож фуқароларни янада қийин вазиятга тушириб қўйиши мумкин.

Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон Овози" муҳбири.





FESTIVAL

Наманган азалдан гуллар шаҳри сифатида танилган. Ярим асрдан зиёд вақт мобайнида "Гул байрами" номи билан ўтказиб келинган ўзига хос маънавий-маърифий тадбирнинг Халқаро гуллар фестивали мақomini олганига кўп бўлгани йўқ. Президентимизнинг вилоят аҳли билан 2017 йилги сайловолди учрашувларидаги тавсияларига мувофиқ вилоятда гулчилик ҳаракатлари янги тус олди.

Бирдамликка ундайдиган байрам

Наманганда 63-халқаро гуллар фестивали қирқ кечаю қирқ кундуз давом этади.

2018 йилдан гул байрами августнинг охиригача кунлигидан май ойига кўчирилди. Гул етиштириш гулчи сулолаларининг ҳовли бўлувчи янги-янги лойиҳалар амалиёти билан саҳналардан алоҳида ажратиб берилган майдонлардаги иссиқхоналарга кўчди. Вилоятда Гул етиштирувчилар ассоциацияси ташкил этилди.

Халқаро гуллар фестивали Наманганнинг туризм салоҳиятини кескин кенгайтишига омил бўлувчи янги-янги лойиҳалар амалиёти билан маҳаллий аҳолининг бунёдкорлик кайфиятига янада кўтаринкилик бағишлади.

Наманганликлар учун гулчилик энди шунчаки қизиқиш ёки ҳовли ва кўча-ҳиёбонларни безатишга қаратилган машғулот эмас. Касбий салоҳият даражасидаги хунар, даромад манбаи, дунёга чиқиш. Халқаро миқёсда шараф топиш омилидир.

Шунинг учун ҳам фестивалнинг очилиш маросими тантаналарини вилоятнинг ҳаво дарвозаси – Наманган халқаро аэропорти ҳудудида гуллар автопаради билан бошлаш аънаъана айланган.

Бу гал ҳам шундай. Давлат байроғимиз билан безатилган енгил автомобиллар, юк машиналари, комбайн, трактор, ҳатто автокрангача анвойи гулларга бурканган 200 дан ортиқ транспорт воситаларидан иборат машиналар қарвони Ислоҳ Каримов шоҳ кўчасидан Темир йўл вокзали айланма йўли – Амир Темур – Нодим Намангоний кўчалари бўйлаб ҳаракатланди. Айниқса, турли хил ретро машиналар аҳолида катта қизиқиш уйғотди.

Автопарад ўтказилишининг замирида энг аввало, Янги Ўзбекистонда ҳукм сураётган одилона сиёсат самараси ўлароқ тинчлик ва осойишталикнинг бардавонлиги мужассам. Жаҳоннинг айрим етакчи давлатлари парадлар орқали ўз ҳарбий салоҳиятини кўз-кўз қилаётган бир даврда бизнинг тинчликсевар мамлакатимиз тинчлик ва нафосат рамзи – гуллар автопаради орқали гўзалликни бутун жаҳонга тараннум этаётгани эътирофга молик.

Бу галги фестивалнинг асосий тантаналари бўлиб ўтадиган Заҳриддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, "Афсоналар водийси" тематик парк хамда янги ташкил топган қилинаётган "Янги Ўзбекистон боғи"да қизғин тайёргарлик кўрилди. Ушбу муаззам масканларда 65 турдаги 30 миллиондан ортиқ гуллар экилган бўлса, шаҳар бўйлаб ўтказилган гулларнинг умумий сони 45 миллион тугдан ошди. Демакки, гулафшон гўшада маданиятнинг узок ўтмишини ўзида акс эттирувчи очиқ осмон остидаги музей юзага келди. Фестивалнинг бу йилги тадбирларида олти миллиондан зиёд киши иштирок этиши кутилмоқда.

Фестивалнинг асосий гул композициялари намойиш қилинаётган Бобур боғига қадам ташлашнинг билан атроф гўзаллигидан кўнглингиз ҳузурга, юзингиз нурга тўлади. Юздан ортиқ ташкилот ва муассасалар ўзига бириктирилган жойни гулзорга тўлдиришди, идорасининг салоҳиятини оширишга қаратилган тарғиботни кучайтиришга эътибор қаратди. Қолаверса, дунёнинг эллика яқин давлатларига тақлифномалар жўнатилганлигини назарда тутган ҳолда, дунёнинг етти мўъжизаси сиймосини гул ва бошқа воситалар орқали акс эттирилди. Айниқса, бобурийлар қурдирган Ҳиндистондаги Тожмаҳал макбараси, Миср пирамидаларию Эйфел минорасигача бўлган макетлар гул композициялари билан безатилгани меҳмонларни ўзига бирдек ром этмоқда.

Бундан 4-5 йил аввал ҳам фестивалда асосан маҳаллий ва республикамизнинг бошқа вилоятларидан ҳавкасдор гулчилар иштирок этиб, йиғилганларни нафосат ифори билан маҳлиё этишарди. Эндиликда улар сафига хоржий қатнашчилар қўшилди. 63-Халқаро гуллар фестивалида Қирғиз Республикаси, Корея Республикаси, Озарбайжон, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон мамлакатлари учун махсус жой ажратилдики, унда сайилчилар бир қатор янги ва ўзгача ифодаги гуллардан баҳраманд бўлишмоқда



Гўзаллик ва нафосат айёмининг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Абдуразоқов йиғилганларга нақд қирқ кун давом этадиган фестивал дастуридан ўрин олган ранг-баранг тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берди. Тантанали маросимда Покистон Ислоҳ Республикасининг Панжоб вилояти губернатори Мухаммад Сарвар Чаудхри, Қатар давлатининг Ўзбекистондаги фавкулда ва мухтор элчиси Ҳасан Ҳамза Хошим, Болгариянинг Ўзбекистондаги элчиси Стуяна Русинова, Тожикистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Абдуҷаббор Раҳмонзода, шунингдек Қирғиз Республикасининг Жалолобод ва Ўш, Тожикистоннинг Сўғд вилоятлари расмий доиралари вакилларидан иборат делегациялар ҳозир бўлишди. Шунингдек, Хитой, Корея, АҚШ, Япония, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Қозоғистон, Туркия каби ўндан ортиқ ҳамкор давлатлардан инвесторлар ҳамда туризм мутасаддилари ҳам шу кунларда Наманганда бўлиб туришибди.

Халқаро гуллар фестивалини кенг тарғиб этиш учун тақлиф қилинган Эрон, Тожикистон, Россия Федерацияси, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси сингари жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатларнинг етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари ва таниқли блогерлар Наманганга келиб, жараёнларни тўғридан-тўғри ёритиб бормоқда.

Қирқ кечаю қирқ кундуз давом этадиган халқаро гуллар фестивалининг ҳар бир куни ўзига хос йирик тадбирлар билан кечади. "Мода ва Истеъдод -2024" модальар ҳафталиги, "Лазер ва дрон шоулари", "Иллюзия шоу", "Лаванда сайли", "Оловий фанарлар шоуи", "Талант шоу", "Аския кечаси", Миниятура санъати кўргазмаси, "Қамолиддин Раҳимов издошлари" республика танловининг финал босқичи, "Раж Капур таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хинд киноси ва маданияти кунлари", "Халқаро этносспорт мусобақаси" "Заковат", "Ёш китобхон" танловининг финал босқичи ва бошқа кўнгилоҷар тадбирлар иштирокчиларга завқ хордиқ улашади.

Илмий салоҳият ва ўзаро бизнес ҳамда тадбиркорлик алоқалари бўйича "Ипак йўли туризм тармоқларини ривожлантириш истиқболлари", "Марказий Осиёда биологик хилма-хилликни сақлаш: муаммолари, ечимлари ва истиқболлари", "Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича глобал муаммоларнинг инновацион ечимлари" каби мавзуларда халқаро илмий-амалий анжуманлар тараққиётга хизмат қилиши билан кадрли, аҳамиятли.

– Бизнинг мамлакатда гуллар байрамига ўхшаш фестивал ўтказилиши сабабли Ўзбекистонда қандай ўтиши билан қизиқиш максатида Наманганга келдик, – дейди Япониянинг Хиросима шаҳридан таширф буюрган турист Кио Канада. – Очиғи, кўриб ҳайратландик. Гул байрамидаги гўзал муҳит юртингиздаги тинчлик ва фаровонлиқнинг яққол кўринишидир. Бизда гул байрамида фақат автомобиллар қатнашади ва уларнинг гулларга бурканган намойиши бўлади, холос. Намангандаги фестиваль шуқуҳи эса ўзгача. Миллийлик уфуриб турадиган гуллар байрамида миллатлараро бағрикенликка ҳам эътибор қаратилибди. Бунга бошқа давлатларнинг иштироки мисолида амин бўлдик. Шу боисдан ҳам биз Наманган ва Хиросима



ўртасида маданий ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдик.

– Ўзбекистон пойтахтида қурилиш ва меъморчилик соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келамиз. Фаолият қамровимизни кенгайтириш, қолаверса, гўзалликдан баҳраманд бўлиш мақсадида Намангандаги гуллар байрамига ошиқдик, – дейди Туркия жумҳуриятининг "Hasan Yedi yıldız" шirkати раҳбари Ҳасан Йеди Йилдиз. – Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлганман, аммо шуни айтишим керакки, водийдаги гуллар фестивали шуқуҳини бирорта давлатдаги анжуманларда кўрганам йўқ. Наманганлик гулчиларнинг билимдонлиги ва омилкорлигига ҳавас қилдим. Агарда гулчилик янада тараққий эттирилса, бундан керак бўлса ман-ман деган давлатлар ўзига тажриба олиши аниқ.

– Азалдан бир ариқдан сув ичиб келган, дили ва дини бир ўзбек ва қирғиз халқларини боғловчи чегаралар очилгани қондош икки элни бир-бирига янада яқинлаштирди. Икки давлат етакчилари, айниқса, Ўзбекистон Президентидан миннатдоримиз, – дейди Қирғиз Республикасининг Ўш вилоятдан келган сайёҳ Нилуфар Саидова. – Боиси, туризмга кенг йўл берилётгани натижасида "Мундист-турист" фирмаси орқали ўттиздан ортиқ киши гуллар байрамидан завқ олди. Айниқса, бир-бирини тақрорламайдиган анвойи гул-



ларга тўлган турна қатор автоуловлар паради инсонларга шодлик улашмоқда. Уйимизга қайтгач, таассуротларимизни дўсту яқинларимизга улашамиз, уларни ҳам Намангандаги гуллар фестивалига чорлаймиз.

Чинакамига гўзаллик ва нафосат тароватини улашадиган, дилларга ўзгача шуқуҳ бағишлайдиган, гулчилик аънавалари билан бирга Наманганнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш, инвестиция жозибадорлигини кенг тарғиб этиш ҳамда ички ва ташқи туризм ривожига муҳим аҳамият касб этадиган 63-аънавий Халқаро гуллар фестивали тадбирлари 23 июнга қадар давом этади.

Наманганнинг бугун таърифи шеър уқушқларда баравж. Дўстлик" ордени соҳиби, шоира Дилбар БОНУ таронасидек:

**Тоза шаҳар, озода шаҳар,
Тўрт тарафга овоза шаҳар,
Маърифатга дарвоза шаҳар,
Намангандир, Намангандир бу.**

**Кўзга суриб нон увоғини,
Новвой берар нон сабоғини.
Гулга буркаб ҳамма ёғини.
Гуллаётган Намангандир бу...**

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Наманган вилоят бўлими раҳбари.**

E'OLON

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ (ВАКАНТ) ЁРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

“Кўғирчоқ театри санъати” кафедрасига доцент (1). “Вокал” кафедрасига катта ўқитувчи (1). “Чолғу ижрочилиги ва мусика назарияси” кафедрасига профессор (1), катта ўқитувчи (1). “Ижтимоий-гуманитар ва педагогика” кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1), “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафе-

драсига профессор (1), катта ўқитувчи (1). “Фольклор ва этнография” кафедрасига доцент (1). “Драматик театр ва кино санъати” кафедрасига профессор (1), катта ўқитувчи (1). “Санъатшунослик” кафедрасига доцент (1). “Миллий қўшиқчилик” кафедрасига катта ўқитувчи (1), ўқитувчи (1).

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

**Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 “а”-уй.
Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси, Республика Нурунийлар жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси

Маткарим ота ЖУМАНИЁЗОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

- | | |
|------------------------|-----------------------|
| Ulug'bek INOVATOV | Muslihidin MUHIDDINOV |
| Ulug'bek VAFQOYEV | Hayotxon ORTIQBOYEVA |
| Maqsuda VORISOVA | Toshtemir XUDOYQULOV |
| Qalandar ABDURAHMONOV | |
| Guliston ANNAQILICHEVA | |

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuq Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 537. 3497 нусxada bosildi. O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 1 2 3 4 5 6 t — Tijorat materiallari

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.